

СИЗНИ КУТАМАН

Менга керак эмас ширин таомлар,
Менга керак эмас ширин каломлар,
Менга айтиб беринг қайда онамлар,
Мен сизни соғиндим, сизни кутаман.

Ҳеч нарса йук, экан меҳрдан ширин,
Сўксангиз ҳам онам сўзингиз майин,
Дардимни айтингиз кимга айтайин,
Мен сизни соғиндим, сизни кутаман.

Менга ёпиб берманг майли иссиқ нон,
Юзингиздан ўпсам басдир онажон,
Қайда бўлсангиз ҳам бўлинг соғ-омон,
Мен сизни соғиндим, сизни кутаман.

Ҳамма нарса бордур, дўсту-дугона,
Опалар ширин сўз, бизга парвона,
Фақат меҳрингиз йўқ бу ерда она,
Мен сизни соғиндим, сизни кутаман.

Дугонам ойисин мақтайди дойим,
Мен сизни мақтайман «Ширин сўз ойим»,
Онамни бир кўрай, танит худойим,
Мен сизни соғиндим, сизни кутаман.

Менга керак эмас капток, кўғирчоқ,
Менга керак эмас турфа ўйинчоқ,
Менга керак меҳр, бахт тўла қучоқ,
Мен сизни соғиндим, сизни кутаман.

**Фарғоналик ёш шоира
Мунира Қўчқорованинг
“Орзу парчаси” китобидан**